



MOLIYA TIZIMINI RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA ISTIQBOLLARI

**Xalqaro ilmiy-
amaliy anjuman
materiallari to'plami**

2022-yil 27-may

II qism

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI

“MOLIYA” KAFEDRASI

**MOLIYA TIZIMINI
RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY
TENDENSIYALARI VA ISTIQBOLLARI**

**xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami
27-may 2022-yil**

(II QISM)

**СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И
ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ
ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЫ**

**материалы международной
научно-практической конференции
27 мая 2022 года**

(ЧАСТЬ II)

**MODERN TENDENCIES AND PROSPECTS
OF FINANCIAL SYSTEM DEVELOPMENT**

**materials of the international
scientific and practical conference
May 27, 2022**

(CHAPTER II)

ТОШКЕНТ-2022

УДК: 158.56.169
КБК: 56.62.1

“Moliya tizimini rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami (II qism). –T.: TMI., 2022. - 660 b.

Tahrir hay’ati: i.f.n., dots. X.Qobulov, dots. B.Nurmuxamedova,
PhD., dots. I.Jumaniyazov, PhD., dots.v.b. N.Yuldasheva

Taqrizchilar: i.f.d., prof. T.Malikov
i.f.d., prof. N.Xaydarov

Tashkiliy guruh a’zolari:

Islamkulov A.X.	Sultonov Sh.N.	Shermuxeamedova Sh.A.
Muxeamedov F.T.	Nurmuxeamedova B.I.	Tursunxodjayeve Sh.Z.
Qobulov X.A.	O‘roqov U.Yu.	Kuvatova O.Sh.
Malikov T.S.	Yuldasheva N.V.	Sunatulloyeva Sh.X.
Jiyanova N.E.	Allayorov S.R.	Kamilova S.A.
Jalilov Sh.Q.	Nuritdinova V.Sh.	Kadirova I.B.
Sherneyev A.A.	Xidirov N.G‘.	Ibodulloyev A.A.
Xamdamon Sh.K.	Safarova N.A.	Turabov S.A.
Po‘latova M.B.	Axunova Ye.A.	Umirzoqov J.A.
Jumaniyazov I.T.	Tadjibekova D.B.	Meliboyeva M.X.

Ushbu to‘plamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 7-martdagi 101-F-sonli Farmoyishi bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasida 2022-yilda xalqaro va respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasi”ga muvofiq, Toshkent moliya instituti “Moliya” kafedrasi tashabbusi bilan 2022-yil 27-may kuni “Moliya tizimini rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari” mavzusida o‘tkazilgan xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari o‘rin olgan.

To‘plamda anjuman natijalari bo‘yicha moliya nazariyasiga zamonaviy qarashlar va konsepsiyalar, davlat moliyasi amal qilishining zamonaviy muammolari va yechimlari, moliya tizimini kompleks rivojlantirish, aholi moliyaviy savodxonligini oshirish istiqbollari, muqobil moliyalashtirishni rivojlantirish istiqbollari, global moliya tizimining zamonaviy tendensiyalari yuzasidan ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar o‘z aksini topgan.

To‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuni, undagi statistik ma’lumotlar va me’yoriy hujjatlarning to‘g‘riligi hamda keltirilgan tanqidiy fikr-mulohazalar va takliflarga mualliflarning o‘zlari mas’ul.

“Moliya tizimini rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami Toshkent moliya institutining 2022-yil 31-maydagi Kengashi qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.

ISBN: 978-9943-832-38-1

© “LESSON PRESS”, 2022
© TMI, 2022

– республикамиз ҳудудларида инвестицион лойиҳалар фабрикаси ва тадбиркорлик фаолияти бўйича турли тренинглар, маслаҳат марказларини ташкил этиш. Шунингдек, туман ва ҳудудларнинг тадбиркорлик лаёқатига кўра тадбиркорлик фаолиятини ихтисослаштириш.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИ МУҲИМЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Нурманов У.А., и.ф.н., доцент.
“Молиявий таҳлил ва аудит” кафедраси,
Тошкент давлат иқтисодий университет

***Аннотация.** Республикамиз иқтисодиётини ривожланишида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда жорий активлар муҳим ўрин эгаллайди. Қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгаришлар юзасидан тизимли ишларни амалга оширишда хўжалик субъектларида жорий активлар билан таъминлаш ва таҳлилий кўрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган.*

***Калит сўзлар:** жорий активлар, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда жорий активлар таҳлили, экспорт ва импорт жараёнида жорий активлар, жорий активларнинг айланиши.*

Кириш.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва саноатнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улушини ошириш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонига мувофиқ тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш” мақсади белгиланиши саноат корхоналарида мавжуд жорий активлардан оқилона ва тежамкор фойдаланиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш зарур ҳисобланади[1].

Ҳозирда шаҳар ва қишлоқларининг қиёфасини миллий анъаналарни сақлаб қолган ҳолда замонавий кўринишга келтириш бўйича кенг кўламли ишлар жадал суръатларда олиб борилиши ўз навбатида қурилиш материалларига бўлган талаб ва эҳтиёжни ошириши табиийдир.

Шу сабабли юртимизда қурилиш саноатини ривожлантириш йўлида қатор чоралар кўрилмоқда. Республикамизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник

ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2. Адабиётлар шарҳи.

Жорий активлар ҳақидаги иқтисодчи олимларнинг қарашларига назар ташласак, А.Д.Шеремет фикрича “Корхона томонидан ҳар бир цикл давомида жорий жараёнларга сармояланадиган (инвестицияланадиган) маблағлар жорий активлардир” [6].

Н.П.Кондраков фикрига кўра “Айланма активлар (айланма капитал) – материал айланма маблағлари, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва ҳисоблашиш маблағларидан таркиб топади” [7].

Ё.Абдуллаев, А.Иброҳимов ва М.Рахимовларнинг фикрларида эса “Жорий активлар таркибига хўжалик субъектининг моддий айланма маблағлари, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ҳамда қарши томонга бўлган дебиторлик мажбуриятлари киритилади” деб таърифланган [8].

Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларига (БҲХС) мувофиқ келтирилган таърифга кўра “айланма маблағлар - ўзида бир ишлаб чиқариш жараёни ёки бир йил давомида, қайси бири узоқроқ бўлса-реализация қилиш учун (яъни, нақд пулга айлантириш учун) мўлжалланган маблағларни акс эттиради” [9].

Амалдаги 1-сонли “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли БҲМСнинг 69.2.-бандига асосан жорий активларга қуйидагича таъриф берилган: “Асосан қайта такрорий сотиш мақсадида ёки қисқа муддатда ушлаб турилган бўлса ва ундан ҳисобот вақтидан кейинги 12 ой мобайнида фойдаланиш кутилаётган бўлса, бундай ҳолларда у жорий актив сифатида тасниф этилиши лозим” [10] деб изоҳланган. Жорий активларни тартибга солишда, уларни ҳисобга олишда ва таҳлилий кўрсаткичларни ўрганишда амалдаги тартибларда бир қатор камчилик ва муаммолар мавжуд.


4. Таҳлил. Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти капитални талаб қилади. Жами капитал таркибида жорий активлар ҳар қандай шароитда асосий ва устун мавқени эгаллайди. Жорий активлардан самарали фойдаланилса, маҳсулот таннархи камаяди, фойда кўпаяди ва рентабеллик даражаси ошади. Бироқ, бу жорий активларни қай тарзда шакллантириш ва улардан қандай фойдаланишга бевосита боғлиқ.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хўжалик субъектларининг активлари таркибида жорий активлар улушининг юқорилиги, уларнинг турли-туманлиги, фойдаланишдаги ҳаракатчанлиги сабабли ҳисобга олиш ҳамда таҳлил қилишнинг мураккаблигига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга жорий активлар нисбатан юқори ликвидли ҳамда мобил активлар

бўлиб, улар бўйича аниқ, тезкор ҳисоб ва таҳлил қилиш масалалари муҳим ҳисобланади.

Қурилиш материаллари саноатидаги лойиҳалар ва уларнинг жорий активларини молиялаштиришга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 200 млн доллар жалб этилиши режалаштирилган. Шу сабабли ҳам Республикамиздаги 24 та туман ва шаҳарлар қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилиши мўлжалланган[12]. Уларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва жорий активларини кўпайтириш мақсадида банк кредитлари бўйича имтиёзлар ҳамда бир қатор компенсациялар тақдим этилди[3]. Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари тобора ортиб бораётганлиги сабабли қурилиш материалларига бўлган эҳтиёж тобора ортишига ҳамда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланмоқда. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда энергия самарадор технологияларни жорий этиш орқали табиий бойликларни тежаш муҳим ҳисобланади. Маълумки, Президентимиз томонидан тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал - хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш, қурилиш материалларини экспорт қилиш ва айланма (жорий) активлар ҳажмларини ошириш мақсадида 2019 – 2025 йилларда маҳаллий хом ашё геология-қидирув ишларини олиб бориш, қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида қурилиш индустриясининг хом ашё базасини кенгайтириш прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2019 – 2025 йилларда диверсификация қилиш ва маҳсулот турларини кенгайтириш ҳисобига қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг мақсадли кўрсаткичлари бўйича қарор тасдиқланган. Унга кўра геология-қидирув ишларини олиб бориш, қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида қурилиш индустриясининг хом ашё базаси ҳажмларини оҳақтош бўйича – 13,1 миллион тоннага, гипс тоши бўйича – 1,8 миллион тоннага, лойсимон компонентлар, ғишт хом ашёси, кварц куми бўйича – 1 миллион тоннага, кўчган тоғ жинслари (базальт) бўйича – 0,1 миллион тоннага, тош-шағал материаллар бўйича – 5,6 миллион метр кубга; ишлаб чиқариш ҳажмларини обойлар бўйича – 47 баробардан ортиқ ҳажмга, йиғилган паркет панеллари ва плиталари бўйича – 19 баробаргача, ёғоч қириндили плиталар ҳамда ёғоч ва бошқа ёғочбоп материаллардан тайёрланган плиталар бўйича – 15 баробарга, газбетон блоклари бўйича – 7 баробарга, лок-бўёқ материаллари ҳамда энергия ва иссиқликни тежовчи флоат-технология асосида ишлаб чиқарилган архитектура-қурилиш ойнаси бўйича – 4 баробарга, базальтдан тайёрланадиган композит арматура бўйича – 3 баробарга ва цемент бўйича – 2 баробарга ошириш, шунингдек, халқаро молиявий институтлар ва хорижий банкларнинг кредитларини жалб қилиш орқали молиялаштириладиган қурилиш материаллари саноати соҳасида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар, қурилиш материаллари саноатини

жадал ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Бундан ташқари мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ва замонавий инновацион ишланмаларни ҳисобга олган ҳолда, қурилиш меъёрлари ва қоидаларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш, янги турдаги энергия тежамкор ва экологик жиҳатдан хавфсиз қурилиш материалларининг тезкорлик билан амалиётга жорий этилиши ва қўлланилишини таъминлаш мақсадида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси қошида Қурилиш материаллари саноати илмий-техникавий кенгашини тузилди[2]. Шу билан бирга “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан қурилиш материалларига бўлган эҳтиёж ўрганилмоқда ҳамда бу соҳадаги экспорт-импорт жараёни, жорий активлар айланиши доимий мониторинг ва таҳлил қилиб борилмоқда. Жорий активлар таркибидаги тайёр маҳсулотлар ташқи бозорларга етказиб бериш ҳамда уларни янги бозорларга чиқарилишини таъминлаш мақсадида жамият корхоналари томонидан Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Грузия, Озарбайжон, Тожикистон ва Афғонистон каби мамлакатларда савдо уйлари, дилерлик тармоқлари ва ваколатхоналарини очиш юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.



Расм. “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таҳлили¹

Маълумотларда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси хўжалик субъектлари томонидан 2018-2020 йиллар давомида ишлаб чиқарилган цемент маҳсулоти ҳажмининг кўришимиз мумкин[11].

Ушбу маълумотлардан кўришимиз мумкинки, уюшма томонидан 2018 йилда 7470,1 минг тонна, 2019 йилда 8254,3 минг тонна ва 2020 йилда 9252,3 минг тонна ҳажмдаги цемент маҳсулоти ишлаб чиқарилган. Ойна ишлаб чиқариш ҳам 2018 йилда 12,4 млн.кв.м, 2019 йилда 18,1

¹ “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

млн.кв.м ва 2020 йилда 20,2 млн.кв.м ишлаб чиқарилган. Демак, уюшмага қарашли хўжалик субъектлари томонидан йилдан йилга қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг икки ойида импорт қилинган цемент ҳажми 2020 йилда импорт қилинган цементнинг 1/5 қисмига тенг бўлиб, Республикамизга Қозоғистон – 226,7 минг тонна, Қирғизистон – 159,5 минг тонна, Тожикистон – 134,3 минг тонна цемент импорт қилган асосий давлатлар саналади. Мамлакатимиз томонидан эса 2021 йилнинг январь-февраль ойларида 1,3 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилган[12].

Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида қуйидагиларни инобатга олиниши мақсадга мувофиқ: қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини кенгайтириш мақсадида уларнинг жорий активларини кўпайтириш учун қўшимча имтиёзли маблағлар жалб қилиш ва уларни мониторингини доимий таҳлил қилиш, жорий активлар айланишини тезлаштиришда имкониятлар яратиш, маҳсулот таннархини ошиб кетмаслигини олдини олиш мақсадида энергия тежамкорлик мезонларига мувофиқ келмайдиган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларни муқобил бўлган бошқа ёқилғи турларидан фойдаланишга босқичма-босқич ўтказиш, атроф-муҳитга етказиладиган зарарни минималлаштириш бўйича экологик талабларга амал қилинишини таъминлаш, шунингдек, тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишга доир илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш ва ҳакозо.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4335-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6244-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 августдаги “Қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5239-сон Қарори,
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш регламенти” тўғрисидаги 1013-сон Қарори.
6. Шеремет А.Д. Комплексный анализ хозяйственной деятельности: Учеб. пособие. — М.: РИОР: ИНФРА-М, 2015.
7. Кондраков Н.П. Бухгалтерский (Финансовый управленческий) учет: Учебник.— М.:«Проспект», 2009.—8с.

8. Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил 100 савол ва жавоб.-Тошкент.: «Мехнат», 2001. – 117 б.
9. Завалишина И.А. Янгича бухгалтерия ҳисоби. - Тошкент.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2004. – 207 б.
10. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тўплами. Тошкент.: «NORMA», 2010.- 40 б.
11. “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси йиллик ҳисобот маълумотлари.
12. Интернет сайти: <https://www.gazeta.uz/uz/>

МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ФУҚАРОЛАРДАН МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАРНИ УНДИРУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШДА САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Пардаев Умид Уралович PhD, доцент
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси*

Жойларда маҳаллий бюджет даромадларини ташкил қилувчи ва солиқ органлари томонидан фуқароларга ҳисоблаб бериладиган маҳаллий солиқлар, асосан, мол-мулк ва ер солиқлари ҳисобланади. Солиқ кодексининг 419-моддасига асосан Республикамиз ҳудудида жойлашган қуйидаги мол-мулк жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг солиқ солиш объекти ҳисобланади:

- 1) уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари;
- 2) тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари;

- 3) қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектлар.

Қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектларга ушбу объектни қуришга доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради;

- 4) кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар.

2021 йил 1 январдан бошлаб, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг солиқ солиш объектлари қаторига кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари ҳам киритилди. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг кадастр қиймати солиқ базаси ҳисобланади. Солиқни ҳисоблаб чиқаришда энг кам меъёр

22.	Сафарова Н.А. Ўзини ўзи банд қилиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари.	76
23.	Сунатуллаева Ш.Х. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг истиқбол йўналишлари.	80
24.	Нурманов У.А. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хўжалик субъектларида жорий активларни муҳимлиги ва уларнинг таҳлили.	86
25.	Пардаев У.У. Маҳаллабай ишлаш тизими орқали фуқаролардан маҳаллий солиқларни ундирувчанлигини оширишда самарали механизмларни жорий этиш.	91
26.	Закирходжаева Ш.А. Перспективы развития рынка страховых услуг в Республике Узбекистан.	94
27.	Хамраева Ф.Ш. Мажбурий суғуртани ривожлантириш муаммолари.	96
28.	Шадиева Д.Х., Дусмухамедов О.С. Направления повышения финансовой грамотности населения Узбекистана.	98
29.	Шермухамедова Ш.А. Цифровизация экономики как одна из мер по совершенствованию системы государственного бюджета.	103
30.	Исламова Т. Иқтисодий ўсишни таъминлашда фискал сиёсатни амалга оширишнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари.	106
31.	Хамраева Ф.Ш. Замонавий суғурта тизимида мажбурий суғуртанинг ўрни.	109
32.	Каримов А.И. Инвестицион фаолликни оширишда фонд индексларининг моҳияти.	112
33.	Закирходжаева Ш.А. Диджитализация страховой деятельности Республики Узбекистан.	114
34.	Shodiyev O.S., Sultonboyeva M.B., Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг молиявий механизми.	115
35.	Sultonov Sh.N. Moliyaviy nazoratning milliy iqtisodiyotdagi roli.	118
36.	Jumaniyazov I.T., Abdulazizov Sh.B. Aksiadorlik jamiyatlarida samarali korporativ boshqaruvni tashkil etish.	120
37.	Sultonov Sh.N., Turaqulov T.A. Moliyaviy nazorat vositasida resurslardan samarali foydalanish imkoniyatlari.	123
38.	Каримов А.И. Аҳолининг инвестицион фаоллигини ошириш орқали фонд бозорини ривожлантириш.	126
39.	Bo‘riboyeva Z.R. O‘zbekiston moliya bozorining faoliyat yo‘nalishlarini kengaytirish orqali investitsion muhitni takomillashtirish yo‘llari.	128
40.	Jabbarova Ch.A. Raqamli iqtisodiyot sharoitida majburiyatlar hisobini rivojlantirish muammolari va istiqbollari.	132
41.	Shavkatov N. Analysis of financial relationships in public-private partnerships in emerging economies.	137
42.	Nosirova G. effective transformation of the investment portfolio of insurance companies of the Republic of Uzbekistan, the role of the price model of the capital market.	140
43.	Камалов А.К. Худудларда тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни ривожлантириш йўллари.	144
44.	Федорова Т.А., Шермухамедова Ш.А. Перспективы расширения инвестиционной деятельности пенсионных фондов.	150
45.	Мухамедова С.А. Аҳоли турмуш сифатини яхшилашнинг ижтимоий жиҳатлари таҳлили.	153
46.	Avazov I., Isoqov S. Asosiy ishlab chiqarish faoliyatidan olingan boshqa daromadlar auditi.	155